

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Коммунал қарзлар барча прописка қилинганлардан ундирилади

Президентнинг 15.02.2018 йилдаги ПФ-5343-сон «Прокуратура органларининг қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашдаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Ҳужжат турар жой объекти манзили бўйича прописка қилинган вояга етган жисмоний шахсларнинг энергия ресурслари (электр энергияси ва газ) ва кўрсатилган сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тўлов бўйича солидар жавобгарлигини жорий этди. Мазкур механизм 2018 йил 1 мартдан эътиборан амал қилишни бошлайди.

биргаликда ёки улардан исталганидан, бунда ҳам тўлиқ, ҳам қарзнинг бир қисми ижро этилишини талаб этишга ҳақли. Солидар қарздорларнинг бирига нисбатан тўлиқ ижрога эришилмаган ҳолда, кредитор тўлиқ ижро этилмаганни бошқалардан талаб қилишга ҳақли.

Мажбурий ижро бюроси истеъмолчиларга етказиб берилган энергия ресурслари юзасидан қарздорликни истеъмолчилар — солидар қарздорлар пластик карталарининг банк ҳисобварақларидан ҳар ойда

сўзсиз тартибда ҳисобдан чиқаришга ҳақли. Ҳисобдан чиқаришнинг максимал суммаси бунда ЭКИХнинг 2 баравари (шарҳ эълон қилинган санада — 344 480 сўм) миқдоридан тасдиқланган.

Бундан ташқари, 1.05.2018 йилдан бошлаб барча қарздорлар, шу жумладан етказиб берилган энергия ресурслари, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари юзасидан қарздорлар, шунингдек ижро ҳужжатлари бўйича қарздорлар умумфойдаланишдаги маълумотлар базасига киритилади. Унга киритилган қарздорлар (жисмоний ва юридик шахслар) қуйидаги ҳуқуқлардан маҳрум бўлади:

а) йирик битимлар тузиш («Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 83-моддаси, «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 44-моддаси);

б) айрим хизмат турларини олиш: молиявий-кредит хизматлари; халқаро йўловчи ташиш хизматлари; давлат хизматлари.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 15.02.2018 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ

Истеъмол саватчаси ва тирикчилик учун зарур энг кам миқдор: нималар ҳисобга олинади

Ушбу шарҳда истеъмол саватчаси тушунчаси ва таркиби, уни ишлаб чиқиш зарурати, МДХнинг қатор мамлакатларида истеъмол саватчасидан фойдаланиш тажрибаси ва тирикчилик учун зарур энг кам миқдорлар кўриб чиқилади.

Истеъмол саватчасининг ўзи нима ва у нима учун керак?

Содда қилиб айтганда, истеъмол саватчаси — муайян вақт давомида инсон ҳаёти ва унинг саломатлигини сақлаш учун зарур маҳсулотлар, товарлар ва хизматларнинг энг кам тўплами. Ҳамма овқатланиши, кийиниши, коммунал ва бошқа хизматлар ҳақини тўлаши, зарур дори-дармонларни харид қилиши лозим ва ҳ.к. Буларнинг бари маҳсулотлар саватчасини бутлаш учун асос ҳисобланади. Унинг маълумотларидан, ўз навбатида, **тирикчилик учун зарур энг кам миқдорни** (истеъмол саватчасининг қиймат баҳосини) белгилаш учун фойдаланилади.

Республикамызда «тирикчилик учун зарур энг кам миқдор» ва «истеъмол саватчаси» тушунчаларини 2018 йилнинг 1 июлигача ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш режалаштирилмоқда. Бу 2018 йилги Давлат дастурида (Президентнинг 22.01.2018 йилдаги ПФ-5308-сон Фармони билан тасдиқ-

ланган) мамлакат аҳолиси даромадларининг зарур даражасини аниқлаш учун назарда тутилган. Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари масъул ижрочилар этиб тайинланган.

Фикримизча, истеъмол саватчасини ишлаб чиқишда — аҳолининг барча жинс ва ёшдаги гуруҳлари учун озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш нормаларини белгилашда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳам жалб этилиши керак. Истеъмол саватчаси қуйидагиларнинг миқдорларини белгилаш учун ҳисоб-китобга асос бўлмоғи лозим:

- энг кам иш ҳақи ва пенсиялар;
- базавий ижтимоий тўловлар: ишсизлик, болани парваришлаш, боқувчисини йўқотганлик нафақалари, стипендиялар ва б.



Саватча таркиби: озиқ-овқат маҳсулотлари, ноозиқ-овқат товарлари ва хизматлар

Истеъмол саватчасига кирувчи товарлар ва хизматлар тўплами ҳар бир мамлакатда турлича. Унинг таркиби давлат даражасида белгиланади ва кўплаб омиллар: табиий-иклим шароитлари, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши, озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш хусусиятлари, товарлар ва хизматларнинг ҳақиқатда истеъмол қилиниши ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Одатда истеъмол саватчаси 3 қисмдан иборат бўлади:

1 — озиқ-овқат маҳсулотлари;

2 — ноозиқ-овқат товарлари: кийим-кечак, пойабзал, биринчи навбатда зарур бўлган буюмлар, дори-дармонлар, маданий-маиший ва ҳўжалик учун мўлжалланган товарлар ва ҳ.к.;

3 — хизматлар: коммунал, транспорт, маданий-маърифий ва ҳ.к.

Одатда истеъмол саватчаси аҳолининг 3 та асосий ижтимоий-демографик гуруҳи: меҳнатга

2-бетда

Ушбу
сонда:

3-6-БЕТЛАР

Стажни қандай тасдиқлаш керак

Уруш ногиронлари учун имтиёзлар

7-БЕТ

Кийинишда дресс-кодга амал қилинмаса-чи?..

8-БЕТ

Пенсионерни ишдан бўшатиш — иш берувчининг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқи

Истеъмол саватчаси ва тирикчилик учун зарур энг кам миқдор: нималар ҳисобга олинади

1-бетда лаёқатли аҳоли, пенсионерлар ва болалар учун ишлаб чиқилади. Яъни аҳолининг турли қатламлари тирикчилиги учун зарур энг кам миқдорни белгилашда муайян даврда истеъмол саватчасидаги барча неъматларни истеъмол қилиш нормаларини аниқлаш зарур. Масалан, оддий фуқаро нормал ҳаёт кечириши учун ҳар куни истеъмол қилиши керак бўлган озиқ-овқат

маҳсулотлари тўплами ва миқдорини ҳисоблаш. Ёки барча коммунал харажатларни қоплаши учун ойига қанча сумма зарурлигини.

Бунда одатда истеъмол саватчаси таркибига киши уларсиз бамайлихотир, соғлом яшаш мумкин бўлган товарлар: тамаки маҳсулотлари, алкогольли ичимликлар, деликатес (тансиқ) маҳсулотлар, зеб-зийнат буюмлари киритилмайди.

Истеъмол саватчасига қандай хизматлар киритилади

Хизматлар ҳам инсон учун муҳимлик даражаси ва ҳаётий зарурлигига қараб фарқланиши мумкин. Бироқ озиқ-овқат товарлари юзасидан бир қарорга келиш масаласи озми-кўпми тушунарли бўлса, хизматларнинг зарур тўпламини белгилашда саволлар юзга келиши мумкин. Аҳоли тирикчилиги учун зарур энг кам миқдорни белгилашда қандай хизматлар тўлови ҳисоб-китобга киритилиши керак? Тўғри, биринчи навбатда, булар коммунал ва транспорт харажатларидир.

Айни вақтда, инсон ўз ҳаётий фаолиятида бошқа, долзарблиги жиҳа-

тидан муҳим сервис турларидан ҳам фаол фойдаланади: уяли алоқа ва интернетдан фойдаланади, тиббий ёрдам, турли мутахассислар маслаҳатларини олади. Маданий-маърифий тадбирлар: театр, музейларга бориш харажатлари ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Зеро киши нафақат жисмоний эҳтиёжларини қондириши, балки ақлий ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан етарли даражада ривожланиши лозим.

Шу сабабли юқорида санаб ўтилганларнинг бари ички истеъмол саватчасини ишлаб чиқишда инobatга олиниши лозим деган фикрдамиз.

МДХ мамлакатларидаги истеъмол саватчаси ва тирикчилик учун зарур энг кам миқдор

Россияда 1997 йилдаги «Россия Федерациясидаги тирикчилик учун зарур энг кам миқдор тўғрисида» ва 2012 йилдаги «Умуман Россия Федерацияси бўйича истеъмол саватчаси тўғрисида»ги қонунлар амал қилади. РФда истеъмол саватчаси ҳар 5 йилда белгиланади. Озиқ-овқат маҳсулотлари унинг ярмини (50%), ноозиқ-овқат товарлари ва хизматлар эса – ҳар бири чорак қисмини (25% + 25%) ташкил этади.

Қозоғистонда озиқ-овқат саватчаси илмий асосланган озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолининг физиологик нор-

малари бўйича ҳисоблаб чиқарилади. Ноозиқ-овқат товарлари ва хизматларга харажатларнинг қатъий белгиланган улуши минимал истеъмол саватчаси қийматининг 45%и миқдориди белгиланади. Яъни қозоғистонликларнинг истеъмол саватчасидаги озиқ-овқат маҳсулотлари улуши 55%ни ташкил этади.

Қуйидаги жадвалда МДХнинг айрим мамлакатларидаги тирикчилик учун зарур энг кам миқдор шарҳ эълон қилинган кунда ушбу мамлакатлар валюталарининг расмий курси бўйича АҚШ доллари эквивалентида кўрсатилган.

Давлат	Тирикчилик учун зарур энг кам миқдор
Қозоғистон Республикаси ¹	24459 танга (\$ 75,44)
Россия Федерацияси ² (2017 йил III чорагидаги маълумотлар)	аҳоли жон бошига – 10328 рубль (\$ 178) меҳнатга лаёқатли аҳоли учун – 11160 рубль (\$ 192,35) пенсионерлар учун – 8496 рубль (\$ 146,43) болалар учун – 10181 рубль (\$ 175,48)
Беларусь Республикаси ³ (2017 йил IV чорагидаги маълумотлар)	меҳнатга лаёқатли аҳоли учун – 420 белорус рубли 60 тийин (\$ 211,16) пенсионерлар учун – 331, 82 б.р. (\$ 166,59) тўрт кишилик оила учун – 328, 45 б.р. (\$ 164,9); уч кишилик ёш оила учун – 356, 1 б.р. (\$ 178,78)
Қирғизистон Республикаси ⁴ (2017 йил IV чорагидаги маълумотлар)	бутун аҳоли учун – 4 864,42 қирғиз сўми (\$ 71,09) меҳнатга лаёқатли аҳоли учун – 5 440,04 сўм (\$ 79,5) пенсия ёшидаги аҳоли учун – 4355,8 сўм (\$ 63,65)

Жадвалдан кўринганидек, мамлакатлар бўйича рақамлар кескин фарқланади. Бу нимадан далolat беради? Истеъмол саватчаси инсоннинг истеъмол товарлари ва хизматларга минимал харажатларидан ташкил топиши сабабли уларнинг нархлари алоҳида олинган мамлакат аҳолисининг турмуш кечириш қийматиға бевосита таъсир кўрсатади. Шу тариқа, тирикчилик учун зарур энг кам миқдорнинг юқорилиги –

дори-дармонлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, коммунал хизматлар ва бошқаларнинг қийматлигидан далolat.

Бундан ташқари, турли ижтимоий ва ёш гуруҳларининг эҳтиёжлари ҳар хил бўлади. Келтирилган жадвал пенсионерларнинг тирикчилиги учун зарур энг кам миқдор, масалан, меҳнатга лаёқатли аҳолиникига қараганда камлигини яққол намоён этмоқда.

Истеъмол саватчаси таркибига таъсир кўрсатувчи омиллар

Хуллас, ички истеъмол саватчасини ишлаб чиқишда қуйидагиларни инobatга олиш зарур:

- демографик омиллар: оилалар катта-кичиклиги ва тузилиши, аҳолининг таркиби ва жинс-ёш тузилмаси ва б.;
- ижтимоий-иқтисодий омиллар: оилаларда озиқ-овқат маҳсулотлари, ноозиқ-овқат товарлари ва хизматларнинг ҳақиқатда истеъмол қилиниши; барча гуруҳдаги аҳолининг эҳтиёжлари, уларнинг даромади даражаси ва б.;
- инсон саломатлигини сақлаш ва ҳаётий фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган энг кам истеъмол ҳажмлари ҳамда товарлар ва хизматлар руйхати бўйича илмий тавсиялар;

➢ аҳолининг ижтимоий ҳимояланишини таъминлашга доир давлатнинг молиявий имкониятлари;

➢ товарлар ва хизматларнинг реал бозор нархлари;

➢ бошқа мамлакатларнинг тажрибаси ва б.

Фикримизча, юқорида санаб ўтилган барча омиллар, хориж тажрибасининг таҳлил натижалари билан бирга, Ўзбекистонда истеъмол саватчаси ва тирикчилик учун зарур энг кам миқдор лойиҳаларининг ишлаб чиқувчилари томонидан эътиборга қабул қилинмоғи лозим.

Ленара Хикматова,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Реклама

«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасининг тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробол тумани: Таллимаржон кўч., 1/1.
Тел.: (998 71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

УШБУ СОНДА

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

1-бет

• ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ

– Истеъмол саватчаси ва тирикчилик учун зарур энг кам миқдор: нималар ҳисобга олинади

1-2-бетлар

• ПЕНСИЯ ИШИ

– Бадаллар, гонорар ва тўлиқ пенсия ҳақида
– Хотин-қизлар қўмитаси ва

«Оила» маркази ходимлари тўлиқ пенсия олади

– Кимлар пенсияни 100% олади

– Архивда маълумотлар бўлмаганда

– Пенсия арифметикаси

– Кекса авлод ҳақида ғамхўрлик қилиб

– Ортиқча қозғабозликсиз

– Бошқадан бадаллар

– Хизматчи учун стаж

– Маълумотнома билан тасдиқланган

– Ўз ҳуқуқларини амалга ошириш имконияти

3-6-бетлар

• КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Таътилга – мажбурлов бўйича

– Битирувчи учун синов

– Дресс-код жорий этишнинг ҳуқуқий асослари

– Таътил пулини тўлаш муддатига риоя этинг

– Чўзилиб кетган прогн

– Вакансия борми – ҳаммасини тақлиб этинг

– Ходим ишдан бўшаб, яна қайтган бўлса

– Пенсия ёши – ишдан бўшатиш учун важ эмас

7-8-бетлар

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – инсталлан шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини мукрвалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

Марказдаги 65 кв.м офис ва бир участкадаги 200 кв.м турар жой (евро-таъмирдан чиққан) узоқ муддатга ижарага берилади. Тел.: (+998 90) 956-44-35, (+998 90) 956-54-42.

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмаслиққа, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақида ахборотни учинчи шахсларга бермаслиққа ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга факат «NORMA» gazetalarini birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

ПЕНСИЯ ИШИ



Махсус мавзувий сон*

Сўнги ўзгартиришларга мувофиқ иш ҳақи ва пенсияни тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқига эга бўлган ишловчи пенсионерларнинг рўйхати кенгайтирилмоқда. Шу сонни ўқиб, бу ҳақда барча тафсилотларни билиб оласиз. Ўқувчиларимизнинг саволлари ҳам эътиборимиздан четда қолмади. Улар савол берибгина қолмай, пенсия қонунчилигини такомиллаштиришга доир ўз вариантларини ҳам таклиф қилмоқдалар.

Агар экспертларга саволингиз бўлса, уларни norma.uz сайтидаги «Жавоб берамиз» сервисига ёки газетамизнинг gazeta@norma.uz ва ntv@norma.uz электрон манзилларига йўлланг.

Мутахассис тушунтиради

Бадаллар, гонорар ва тўлиқ пенсия ҳақида

Жорий йилдан бошлаб пенсия қонунчилигида ўзгартиришлар рўй берди. Булар фақат пенсиялар, нафақалар миқдорларининг оширилиши эмас, балки анча катта доирадаги пенсионерларга дахл этувчи бир қатор ислохотлар ҳамдир (28.12.2017 йилдаги ПФ-5291-сон Фармон; 29.12.2017 йилдаги ПҚ-3450-сон қарор).

ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижроия аппаратининг пенсияларни тайинлаш ва фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш услубияти бўлими бошлиғи Зафаржон Хўжаев ушбу янгиланини шарҳлаб беришини сўрадик.

– ШЖБПХга ўтказиладиган мажбурий ойлик бадаллар миқдорининг ўзгариши нималар билан боғлиқ? Бу пенсия тизими иштирокчиларига нима беради?

– Жамғариб бориладиган пенсия бадаллари қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солигининг тегишлича камайтирилган суммаси ҳисобига шаклланади («Фуқароларнинг

жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни 10-моддаси 1-қисми). Ставканинг оширилиши фуқароларнинг жамғариб бориладиган ҳисоб-варақларидаги маблағлар кўпайишига олиб келади, шунингдек меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги фуқароларнинг даромадлари янада легаллаштирилишини рағбатлантиради. Бу эса давлатнинг ҳам, ҳар бир фуқаронинг ҳам манфаатларига хизмат қилади.

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ахборот кўмағида тайёрланди.

БУГУНГИ СОНДА:

КИМЛАР
ПЕНСИЯНИ
100% ОЛАДИ
Рўйхат
кенгайтирилди

3

АРХИВДА
МАЪЛУМОТЛАР
БЎЛМАГАНДА

Қарорни
Пенсия жамғармаси
қабул қилади

4

КЕКСА АВЛОД
ҲАҚИДА
ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИБ
Барчаси имтиёзлар
ҳақида

5

ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИНИ
АМАЛГА ОШИРИШ
ИМКОНЯТИ

Ўқувчи таклиф
этади

8

Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

– Ҳозир ишловчи шифокорлар пенсияни тўлиқ миқдорда олишга ҳақли. Бунда Пенсия жамғармаси бўлимига қандайдир қўшимча ҳужжатларни тақдим этиш керакми?

– Ҳеч қандай қўшимча ҳужжатларни тақдим этиш керак эмас. Ишловчи пенсионерларга пенсиялар Ф-25 топшириқмаси асосида тўланади. Ишловчи шифокорлар ёки тиббиёт муассасаси бухгалтерияси пенсионернинг яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлимига Ф-2 топшириқномасини унга тегишли ўзгартиришлар киритиш учун тақдим этиши зарур. Шунинг асосида ишловчи шифокорлар пенсияни тўлиқ миқдорда оладилар.

– Иш стажини тасдиқлаш тўғрисидаги суд даъволарини тайёрлашда ҳудудий пенсия бўлинмалари айнан қандай ёрдам берадилар?

– Маълумки, иш стажини тасдиқлаш тўғрисидаги даъво билан судларга мурожаат қилиш учун пенсионерларга юридик жиҳатдан тўғри расмийлаштирилган даъво аризасини тайёрлаш зарур. Одатда уни тайёрлаш учун улар адвокатларга мурожаат қиладилар ва уларнинг хизматларига ҳақ тўлайдилар.

Энди Пенсия жамғармаси бўлинмалари судларга бериладиган даъво аризаларини тайёрлаш хизматларини бепул кўрсатадилар. Бу кексаларнинг моддий харажатларини, шунингдек адвокат излаш ташвишларини камайтириш имконини беради.

– Ўзгартиришларга мувофиқ, фақат фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ва улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи (гонорар) кўринишидаги даромадларга эга шахслар, башарти меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси асосида амалга оширмасалар, тўлиқ пенсия олишга ҳақли. Бу энди гонорар суммаси илгаригидек қариллик пенсиясининг энг кам миқдори билан чекланмаслигини анигладимми?

– Ҳа, албатта, 2018 йил 1 январдан бошлаб бундай шахслар, гонорар миқдоридан қатъи назар, уни ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори билан чекламай, пенсияни тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқига эга, башарти:

➤ гонорар фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома бўйича олинган бўлса;

➤ фақат фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ва улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи (гонорар) кўринишида даромад олинган бўлса;

➤ гонорар олувчи меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси асосида амалга оширмаса.

МИСОЛ. Пенсионер меҳнат шартномаси бўйича наشريёт муассасасида бош муҳаррир бўлиб ишлайди. Бунда у фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома асосида фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ва улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи (гонорар) кўринишида вақти-вақти билан даромад олади. У 50% миқдорда пенсия олади, сабаби меҳнат шартномаси бўйича ишлайди.

Агар бу пенсионер меҳнат шартномаси асосида ишламаса, бироқ фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича (уларнинг сонидан қатъи назар) фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ва улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи (гонорар) кўринишида даромад олганда (уларнинг миқдоридан қатъи назар), пенсияни тўлиқ миқдорда олган бўларди.

Алла Ромашко суҳбатлашди.

Қонунчиликдаги янгиликлар

Хотин-қизлар қўмитаси ва «Оила» маркази ходимлари тўлиқ пенсия олади

Бундай имтиёз Президентнинг 2.02.2018 йилдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида (2.02.2018 йилдаги ПФ-5325-сон) назарда тутилган.

2018 йил 1 мартдан бошлаб Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Оила» маркази ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари бошқарув ходимлари таркибига кирув-

чи пенсионерларга, уларнинг бу ташкилотлардаги фаолияти ягона бўлган тақдирда, пенсиялари тўлиқ тўланади.

Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Шу тариқа, мазкур ходимлар 100% пенсия олиши учун 2 та шарт жорий этилди:

1) бошқарув ходимларига тааллуқлилиги. Бу, хусусан, Хизматчиларнинг асосий лавозимлари таснифи (ВМнинг 4.10.2017 йилдаги 795-сон қарори билан тасдиқланган Классификаторнинг 2-илоvasи) бўйича белгиланиши мумкин;

2) мазкур ташкилотларда иш ҳақи ва мулкӣ даромадлардан (ижара тўловлари, омонатлар бўйича фоизлар ва ҳ.к.) ташқари, пенсионерлар бошқа даромад олишлари

мумкин эмас. Яъни меҳнат ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича ишламаслиги ва тадбиркорлик фаолияти билан шугулланмаслиги лозим.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (*lex.uz*) эълон қилинган ва 3.02.2018 йилдан кучга кирди.

Самир Латипов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдоридан кам пенсия олинган тақдирда фуқаролик-ҳуқуқий шартнома қисмида мазкур чеклов олиб ташланади (28.12.2017 йилдаги ПФ-5291-сон ва 29.12.2017 йилдаги ПҚ-3450-сон).

Кимлар пенсияни 100% олади

100%

Президентнинг 7.02.2018 йилдаги ПФ-5328-сон Фармони билан ишловчи пенсионерларнинг айрим тоифаларига пенсияни тўлиқ тўлаш назарда тутилмоқда.

2018 йилнинг 1 мартдан Мудофаа вазирлиги, ИИБ, ФВВ, Миллий гвардия, Президент хавфсизлиги давлат хизмати, МХХ ва ДБҚнинг ҳарбий хизматчилари ва ходимлари жумласидаги пенсионерлар қуйидаги ташкилотлар ва лавозимларда ишлаганда пенсияни тўлиқ олади:

➤ Куролли Кучлар таркибида ва юқорида санаб ўтилган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида, шу жумладан маслаҳатчи сифатида ишловчилар, пенсияни қайси идорада расмийлаштирилганлигидан қатъи назар, хизматда бўлишнинг белгиланган чегара ёшига тўлганлиги тўғрисидаги пенсияга чиққан тақдирда (соғлиғи ҳолатига кўра пенсияга чиққанлар бундан мустасно);

➤ умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда директор, унинг ўринбосарлари, бошланғич қақирув (ҳарбий) тайёргарлик, шунингдек мудофаага ёрдам берувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ўқитувчилари сифатида;

➤ олий ўқув юртлирининг ҳарбий тайёргарлик ўқув бўлиналари ўқитувчилари сифатида;

➤ маҳаллий ҳарбий бошқарув органларида (мудофаа ишлари бошқармалари ва бўлиналари), шунингдек факрийлар ишлари бўйича кенгашларда;

➤ Президентнинг вилоятлар, туман (шаҳар) Халқ қабулхоналарида;

➤ Мудофаа саноати давлат кўмитасининг ижроия аппаратида;

➤ ҳарбий қисмларда ва муассасаларда Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлиналарида;

➤ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бошқарув аппаратларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича гуруҳларда;

➤ шаҳар ҳокимликлари (вилоят марказлари) бошқарув аппаратларининг сафарбарлик ишлари ва фавқулодда вазиятлар бўйича мутахассислари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва пойтахт раҳбарларининг маслаҳатчилари сифатида.

Пенсияни тўлиқ миқдорда олиш шarti – юқорида санаб ўтилган лавозимлардаги иши пенсионернинг ягона иш жойи бўлиши керак.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (*lex.uz*) эълон қилинган ва 8.02.2018 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Маълумот учун

Меҳнат (фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги) шартномаси **БЕКОР ҚИЛИНГАНДА** пенсионер яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлимига **ТОПШИРИҚНОМА**, меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқ рақами ва санаси (фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномани бекор қилиш сабаблари) кўрсатилган **БИЛДИРИШНОМА**, шунингдек меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги **БУЙРУҚДАН КЎЧИРМАНИ** (фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома нусхасини) тақдим этади.

Мавзуйий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Расмий жавоб

Архивда маълумотлар бўлмаганда

- ?** 1. Бу йил пенсия ёшига етдим. Меҳнат фаолиятимни 15.08.1980 йилда бошлаганман. Мен ишлаган биринчи корхона тугатилган эди. Архивда фақат ишга қабул қилинганлигим тўғрисидаги буйруқ сақланиб қолган. 15.08.1980 йилдан 1.01.1981 йилгача бўлган даврдаги иш ҳақи тўғрисида маълумотлар йўқ. Архив маълумотномасида кўрсатилишича, мазкур даврдаги маълумотлар архивга келиб тушмаган. Меҳнат дафтарчасида меҳнат фаолияти 15.08.1980 йилдан бошланган ва барча буйруқлар кўрсатилган. Юқорида кўрсатилган давр иш стажига киритиладими?
2. Тугатилган бошқа корхонада 2003 йилдан 2005 йилгача ишлаганман. Архив маълумотларига кўра, ушбу корхона бўйича ишга қабул қилинган ва бўшатирилган тўғрисидаги буйруқлар бор, бироқ иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар мавжуд эмас, сабаби ушбу китоблар архивга топширилмаган. Ушбу даврлар пенсияни ҳисоблаб ёзишда стажда ҳисобга олинладими?

Л.Наимов.

1 Хатто 15.08.1980 йилдан 1.01.1981 йилгача бўлган давр учун архивда иш ҳақининг ҳисоб-китобига доир китоблар бўлса ҳам, бироқ уларда фамилия ва исминингиз бўлмаса, ушбу давр иш стажига **қўшилмайди**.

Бироқ меҳнат дафтарчаси 15.08.1980 йилдан очилган, сиз кўрсатган давр учун иш ҳақи ҳисоб-китобига доир китоблар эса архивга топширилмаган, бироқ бошқа даврларда ушбу корхонадаги меҳнат фаолиятингиз тасдиғи (иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар ва ишга қабул қилганлик тўғрисидаги буйруқ) бўлса, бу давр иш стажига **қўшилади**.



2 Пенсия жамғармаси бўлими архивда сақланиб қолган буйруқлар, меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар ва солиқ органларидан олинган маълумотлар асосида кўрсатилган даврни иш стажига қўшиш масаласини белгиланган тартибда кўриб чиқиб, меҳнат фаолиятининг айрим даврларини иш стажига даврига ҳисобга олиш ёки уни ҳисобдан чиқариб ташлаш ҳақида қарор қабул қилади (ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 57-банди).

Пенсия жамғармаси бўлими томонидан чиқарилган иш стажини қабул қилиш ёки қабул қилмаслик тўғрисидаги қарор билан рози бўлинмаган тақдирда, ушбу масала суд томонидан ҳал этилади (Низомнинг 82-банди).

Пенсия арифметикаси

? Маълумки, пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун охириги 10 йиллик меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетма-кет 5 йилдаги иш ҳақи олинлади.

Бу ҳолда қандай олинади: календарь йилнинг 1 январидан бошлабми ёки исталган ойдан то кейинги йилнинг тегишли ойигачам?

Ўртача ойлик иш ҳақи 60 ойдаги иш ҳақи суммасини бўлиб (унинг коэфффициентлар ҳисобига оширилишини инобатга олган ҳолда) аниқланадими? Ёки танланган 5 йилнинг барча ойларидаги ҳар бир алоҳида иш ҳақи энг кам иш ҳақининг 8 баравари билан солиштириладими?

Мен тўғри тушунаямми: иш ҳақи юқори бўлса, ҳисоб-китоб учун 8 ЭКИҲ, оз бўлса – амалдаги иш ҳақи олинладими (мисол учун, ходим таътилда ёки касаллик варақаси олган бўлса, бу ойларида иш ҳақи камроқ бўлиши мумкин)?

Р.Балуева.

– Ҳақиқатан ҳам, пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун, ишдаги мавжуд танлашлардан қатъи назар, охириги ўн йиллик меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетма-кет беш йилдаги (пенсия сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича) иш ҳақи олинади («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддаси 1-қисми).

Танланган йилнинг айна 1 январидидаги иш ҳақини ҳисоб-китоб учун қабул қилиш талаби мавжуд эмас. Тегишчанча, исталган ойдан то кейинги йилнинг тегишли ойигача бўлган иш ҳақи қабул қилиниши мумкин.

Биринчи босқичда пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун танланган ўтган йиллардаги иш ҳақи уни пенсия тайин-

Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

лаш кундаги иш ҳақлари даражасига етказиш учун қайта ҳисобланади. Бу Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда қилинади.

Сўнгра ўртача ойлик иш ҳақини аниқлаш учун 60 календарь ойдаги (5 йиллик) кетма-кет иш учун қайта ҳисобланган иш ҳақининг умумий суммасини 60 га бўлиш керак.

Кейин пенсияни ҳисоблаш учун ўртача ойлик иш ҳақи-

дан ЭКИХнинг 8 бараваридан ошмайдиган сумма қабул қилинади (Қонуннинг 31-моддаси 2, 3 ва 6-қисмлари).

Шу сабабли 5 йил давомидаги ҳар бир ойлик иш ҳақи ЭКИХнинг 8 баравари билан солиштирилмайди. Яъни 60 ойдаги иш ҳақи (коэффициентлар ҳисобида оширилишини инобатга олган ҳолда) қўшилиди, 60 га бўлинади ва фақат шундан кейин ЭКИХнинг 8 баравари билан солиштирилади.

Кекса авлод ҳақида ғамхўрлик қилиб



1941–1945 йиллардаги уруш ногиронлари учун қандай имтиёзлар назарда тутилган?

Ж.Тўраев. Тошкент ш.

– «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун билан 1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронлари учун оддий фуқаролар билан солиштирганда бир қатор имтиёз ва преференциялар назарда тутилган.

Чунончи, қуйидагилар **пенсияларга устама ҳақлар** олишга ҳақли:

➤ I гуруҳ 1941–1945 йиллардаги уруш ногиронлари – ЭКИХнинг 150%и миқдориди;

➤ II гуруҳ 1941–1945 йиллардаги уруш ногиронлари – ЭКИХнинг 125%и миқдориди;

➤ 1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчилари – ЭКИХнинг 50%и миқдориди (Қонуннинг 28-моддаси).

Бундан ташқари, стажга қуйидагилар имтиёзли тарзда қўшиб ҳисобланади (Қонуннинг 38-моддаси):

➤ ҳаракатдаги армия таркибига кирувчи ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасалардаги, жанговар ҳаракатлар даврида партизан отрядлари ва қўшилмаларидаги хизмат ва эркин ёлланганлар таркибидagi иш, байналмилал бурчи бажаришда жанговар ҳаракатларда иштирок этиш – **уч ҳисса баробарида**;

➤ 1941–1945 йиллардаги уруш даврида мамлакат ичкарида ишлаш, шу жумладан ҳарбий қисмлардаги эркин ёлланганлар таркибидagi иш ва юқорида назарда тутилган хизматдан ташқари ҳарбий хизмат – **икки ҳисса баробарида**.

Қариялар ва ногиронлар интернат уйларида (пансионатларида) яшовчи ёлғиз пенсионерларга пенсия билан улар таъминоти учун сарф-харажат ўртасидаги фарқ, лекин **тайинланган пенсиянинг** камида 10%, 1941–1945 йилларидаги уруш ногиронларига эса **камида 20%и** тўланади (Қонуннинг 60-моддаси).

1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларига 9 майда умумхалқ байрами – Хотира ва қадрлаш кuni, шунингдек 1941–1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон

урушида фашизм устидан Ғалаба санаси нишонланиши муносабати билан ҳар йили **бир йўла тўланадиган пуллик мукофот** тўланади.

1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ўзлари учун мақбул муддатларда **йилига 1 марта** республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари санаторийларида **12 кунлик соғломлаштириш курсидан текин ўтиш** ҳуқуқига эга (Низомнинг 2-банди, ВМнинг 24.12.2014 йилдаги 361-сон қарорига 1-илова).

Шу муносабат билан республиканинг санаторий-соғломлаштириш муассасаларига бораётганларга темир йўл транспортида bepул юриш (йилда 1 марта), шунингдек ҳаво транспортида бориб қайтишда йўлқира қийматининг 50 фоизлик чегирмаси кўринишидаги имтиёзлар берилган (ВМнинг 23.04.2015 йилдаги 100-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 2-банди).

Бир вақтнинг ўзига 1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронлари шахар йўловчи транспортдан bepул фойдаланишлари мумкин (АВ томонидан 4.03.2013 йилда 2434-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низом).

1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронлари ҳар йили санаторийларда соғломлаштириш курсини олиш ўрнига йўлланма қийматига тенг компенсация олиш ҳуқуқига ҳам эга (28.12.2016 йилдаги ПҚ-2705-сон қарорнинг 8-банди).

1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронлари ЭКИХнинг 50%и миқдорида **уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлашга доир ойлик компенсация пул тўловларини** олувчилар ҳисобланади (АВ томонидан 30.12.2010 йилда 2175-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низом).

1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларига Солиқ кодексига мувофиқ **ер солиғи ва мол-мулк солиғини тўлашга доир имтиёзлар** тақдим этилган.

Зафаржон Хўжаев,

ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижроия аппаратининг пенсияларни тайинлаш ва фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш услубияти бўлими бошлиғи.

Мавзуйи сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

АКТ – амалда

Ортиқча қоғозбозликсиз

Президентнинг «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (12.12.2017 йилдаги ПФ-5278-сон) билан 2018 йил 1 январдан тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ҳузурида фаолият юритувчи Давлат хизматлари марказларига айлантирилди. Киритилган янгилликка биноан мазкур давлат хизматлари марказларига нафақат юридик шахслар, балки жисмоний шахслар ҳам муурожаат қила олади.

Аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш миллий тизимини сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси кекса ёшдагиларга хизмат кўрсатишни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқди. Уларга қуйидагилар қиради:

- электрон маълумотлар асосида давлат пенсияларини (ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик бўйича) тайинлаш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш;

- давлат пенсияларини тайинлаш учун зарур бўлган иш стаж ва иш ҳақини тасдиқловчи ҳужжатлар рўхсатини (маълумотлар) қоғозли шаклдан электрон шаклга ўтказиш борасида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

- алоқанинг электрон каналлари орқали маълумотларнинг электрон алмашинуви бўйича технологик йўриқномаларни ишлаб чиқиш (вазирликлар, муассасалар ва бошқа манфаатдор ташкилотлар электрон базаларининг ўзаро алмашинуви);

➤ пенсия йиғмажилдлари ва бошқа ҳужжатларни электрон шаклга ўтказиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида аҳолини хабардор қилиш мақсадида рубрикалар, тезислар ва мақолалар, шу жумладан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси сайтида тайёрлаш ва чоп этиб бориш.

Давлат хизматлари очиқлиги ва шаффофлигининг ошиши мамлакатимиз аҳолисининг вақти ҳамда молиявий ресурсларини иқтисод қилишга шароит ярати беради, шунингдек давлат хизматларидан янада қулай ва дадиллик билан фойдаланишни таъминлайди. Давлат муассасалари мутахассислари билан масофадан ва бевосита учрашмасдан мулоқот ўрнатиш бюрократик тартиботлар ва ортиқча қоғозбозликларни тубдан қисқартиради.

Манба: www.pfu.uz

Бизга мактуб йўллабсиз

Бошлиқдан бадаллар



Иш берувчи ходимнинг ШЖБПХга бадалларни қўшимча равишда ўтказиши мумкинми?

Назар К. Тошкент ш.

– Ҳа, иш берувчига ўзининг маблаглари ҳисобидан ўз ходимларининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига қўшимча бадаллар тўлаш ҳуқуқи берилади. Уларнинг миқдори ва уларни киритиш муддатлари жамоа шартномасида, агар бундай шартнома тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан ходимлар-



нинг вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Иш берувчининг жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини тўлаши учинчи шахсларнинг фойдасига амалга оширилиши мумкин эмас («Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддаси).

Маълумот учун

Меҳнат дафтарчасининг асл нусхаси Пенсия жамғармаси бўлимининг пенсияларни тайинлаш комиссияси томонидан пенсия, ижтимоий нафақа ёки бошқа туловни тайинлаш ёхуд тайинлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг ариза берувчига ҚАЙТАРИЛИШИ ЛОЗИМ.

Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Хизматчи учун стаж

? Турмуш ўртоғим армияда 2 йил хизмат қилган. Армиядаги хизмат пенсияга чиқаётганда стажга қирадимиз?

Д.Азизова. Чирчиқ ш.

— Ҳа, ҳарбий хизмат, давлат хавфсизлиги органларида ва ички ишлар органларида хизмат қилиш иш стажига қўшиб ҳисобланади («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 37-моддаси «б» банди). У тинч даврда ўтган бўлса, бир барабар миқдорда ҳисоблаб чиқарилади.

Айни пайтда ҳаракатдаги армия таркибига кирувчи ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасалардаги, жанговар ҳаракатлар даврида партизан отрядлари ва қўшилмаларидаги хизмат ва эркин ёлланганлар таркибидagi иш, байналмилал бурчни бажаришда жанговар ҳаракатларда иштирок этиш учун ўч ҳисса баробарида ҳисобланиши лозим (Қонуннинг 38-моддаси «а» банди).



Маълумотнома билан тасдиқланг

? Мен ҳарбий хизматчининг турмуш ўртоғиман. Унинг хизмат хусусиятини ҳисобга олиб, доим ҳам ишлай олмаганман. Эшитишимча, офицерларнинг хотинлари стажига бундай йиллар қўшиб ҳисобланар экан. Шу тўғрими?

Ф.Ботирова. Тошкент ш.

— Офицерлар таркибидан бўлган шахсларнинг, рапортчиликларнинг, мишманларнинг ва муддатдан ташқари хизмат ҳарбий хизматчиларининг хотинлари, уларни ишга жойлаштириш имконияти бўлмаган жойларда эрлари билан яшаган вақт, лекин 10 йилдан ошмаган давр иш стажига қўшиб ҳисобланади (Қонуннинг 37-моддаси 1-қисми «з» банди).

Бироқ ҳарбий хизматчининг турмуш ўртоғида Қонуннинг 37-моддаси «а»—«г» бандларида кўрсатиб ўтилган умумий иш стажига камида 7 йил бўлган тақдирда ушбу давр иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Доимий хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг ва муддатидан ташқари хизмат ҳарбий хизматчиларининг хотинларини ишга жойлаштириш имконияти бўлмаган жойларда эрлари билан яшаган вақти маълумотномалар

билан тасдиқланади (252-сон Низомнинг 68-банди). Хизмат Ўзбекистонда ўталган ҳолларда ушбу маълумотнома 252-сон Низомга 9-иловага мувофиқ шакл бўйича Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ҳудудий органи томонидан берилади. Турмуш ўртоғингиз хизматни чет элда ўтаган тақдирда эса — 252-сон Низомга 10-иловага мувофиқ шакл бўйича ҳарбий хизмат ўталган жой бўйича юқори ҳарбий қисмлар, муассасалар, ҳарбий-ўқув (ўқув) муассасалари командирлари (бошлиқлари) томонидан берилади. Пенсия тайинлашни сўраб мурожаат қилганда аризага офицерларнинг ва муддатидан ташқари хизмат ҳарбий хизматчиларининг хотинларини ишга жойлаштириш имконияти бўлмаган жойларда эрлари билан яшаган вақтини тасдиқловчи маълумотномани илова қилиш зарур.

Реклама

«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланманинг тақдим этилиши

Тошкент ш., Миробод тумани, Татлимаржон кўч., 113. Тел.: (998 71) 200-00-90.

E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz



Маъзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Менда фикр бор

Ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ИМКОНИАТИ

Мамлакатимизда барча соҳаларни – шу жумладан фуқароларнинг пенсия таъминотини қамраб олувчи қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш жараёни кетмоқда. Қонун лойиҳаларини ҚҲТБТ порталида (regulation.gov.uz) кенг муҳокама қилиш мумкин бўлди. Қонун ижодкорлигининг бундай очиглиги ҳар бир фуқарога ўз фикрини ёки таклифини билдириш имконини берди.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга кўра шахс пенсия олишга ҳақли. Эраклар – 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлганда, аёллар – 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлганда (Қонуннинг 7-моддаси).

Стаж мавжуд бўлганда шундай қилинади. Иш стаж бўлмаганларга нисбатан Қонун татбиқ этилмайди. Уларнинг ижтимоий таъминланиши тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Хусусан, ёшга доир нафақа тайинланади: эракларга – 65 ёшда, аёлларга – 60 ёшда (Низом, ВМнинг 7.04.2011 йилдаги 107-сон қарорига 2-шлова). Ҳозир нафақа суммаси ойига 206 720 сўмни ташкил этади (20.11.2017 йилдаги ПФ-5245-сон Фармон).

Меҳнатга лаёқатли аҳолининг барчаси ҳам қатор сабабларга кўра расман ишлаш имконига эга эмаслиги сир эмас. Демак, бундай кишиларда стаж йўқ, тегишлича, суғурта бадаллари тўланмайди. Зеро уларнинг тўланиши пенсия тайинлаш ва тўлашда асосий шартлардан бири ҳисобланади. Фуқароларнинг ушбу тоифасига хусусий киракашларни, томорқасида етиштирилган мевалар, सबзавотларни сотувчиларни ёки мол боқиб, сут маҳсулотлари сотувчилар-

ни ва бошқаларни киритиш мумкин. Уй бекаларининг меҳнатини ҳам шунга киритса бўлади.

Суғурта бадалларини **ИХТИЁРИЙ** тўлаш механизми ишлаб чиқилиб, муваффақиятли амал қилмоқда («Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддаси). Бунинг устига, хорижда ёлланб ишловчилар; солиқ агенти бўлмаган иш берувчидан даромад олувчилар; якка тартибдаги тадбиркор – оилавий тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган юридик шахсни ташкил этмасдан оилавий тадбиркорлик шаклида фаолият юритувчи оила аъзолари; деҳқон хўжалиги аъзолари ҳам, унинг раҳбаридан ташқари, ҳозир Пенсия жамғармасига бадаллар тўлашлари мумкин (Низом, ВМнинг 22.02.2016 йилдаги 46-сон қарорига 1-шлова).

Суғурта бадалларини **ИХТИЁРИЙ** тўловчилар қаторига иши ва унинг ҳақи доим ҳам меҳнат ва солиқ қонунчилиги назоратида бўлмайдиган аҳоли қисмини қўшиш мумкин эди. «Банд бўлмаган» ходимларнинг суғурта бадаллари тўлаш имкони нафақат қариллик чоғида пенсия ҳақида қайғуриш имконини беради, балки даромадларнинг муайян легаллаш-

тирилиши учун туртки бўлиб хизмат қилади. Бу ҳам муҳимдир.

«Норма маслаҳатчи»да (14.11.2017 йилдаги 46-сон) қонун ҳужжатларига ишга жойлаштиришнинг янги шакллари ни жорий этишга доир янги ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқирилиши тўғрисида ёзилган эди. Унда хорижий иш берувчилар билан шартномага кўра масофадан туриб ишловчи фуқаролар ҳақида сўз борган. Қонун лойиҳасига тузатишлар ва қўшимчалар келгусида «Форматдан ташқари меҳнат»ни қонуний меҳнат муносабатлари секторига киритиш имконини берувчи ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиши мумкин эди.

Пенсия жамғармасига ЭКИҲнинг камида 1 бараварини **ИХТИЁРИЙ** тўлаш далолиги пенсия олишни кафолатламаслиги аён. Ижтимоий суғуртадан ташқари, энг кам стаж тўллаш, солиқларни тўлаш сингари қоидаларга ҳам риоя этиш зарур бўлади. Мавжуд юридик тажриба базасида қатор йиллар давомида иш топа олмаётган ва хусусий йўл билан тирикчилик қилишга мажбур бўлган фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш ҳам лозим. Яъни уларга ўз ҳуқуқларини амалга ошириш имконини бериш керак.

Таклифни **Алла Ромашко** ёзиб олди.

Маълумот учун

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида **ИХТИЁРИЙ АСОСДА** иштирок этувчи **ФУҚАРОЛАР** шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига, шу жумладан учинчи шахслар фойдасига бадаллар миқдори ва муддатини мустақил равишда **БЕЛГИЛАЙДИЛАР**.

Мавзувий сонни муҳбиримиз **Алла Ромашко** олиб боради.

Ходимга таътил бериладиган вақт ҳақида унинг бошланишидан 15 кун олдин хабар берилди. Бироқ ходим ундан фойдаланишдан бош тортмоқда. Айтишча, унинг режалари ўзгариб, кейинроқ дам оладиган бўлибди. Уни деб компаниядаги бошқа ходимларнинг таътиллари ҳам сурилиши мумкин, бунда бутун жадвал ўзгариб кетади. Раҳбарият ходимни таътилга чиқишга мажбурламоқчи, сабаби бу масала календарь йил бошида у билан келишилган эди.

Таътил бошлангунча ходимни таътил ҳақини олиш ва буйруқ билан танишиш учун таклиф қилдик. Ходим қатъиян бош тортди. Далолатнома туздик. Эртаси кундан бошлаб ходимни таътили пайтида компания ҳудудига киритмасликини қоровулга тайинладик.

Бизнинг хатти-ҳаракатларимизда ҳуқуқбузарлик борми?

Г.Прутова.

Таътилга – мажбурлов бўйича

– Йўқ, сиз тўғри йўл тутгансиз.

Иш берувчи календарь йил бошлангунга қадар ходимларнинг вакиллик органи билан келишган ҳолда келгуси календарь йилдаги таътиллار жадвалини ҳар йили тасдиқлаши шарт. Таътил ходим учун ҳам, иш берувчи учун ҳам мажбурий бўлган ушбу жадвалга мувофиқ берилади (МКнинг 144-моддаси).

Жадвал билан вақти белгиланган таътил фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа муддатга кўчирилиши мумкин.

Шу сабабли ходим таътилдан фойдаланишга тўсқинлик қилувчи сабаблар юзга келганлиги тўғрисида иш берувчини хабардор қилиши шарт.

Ходимнинг аризасига кўра таътил бошқа муддатга кўчирилиши мумкин. Бироқ фақат у таътилни бошланиш вақти тўғрисида вақтида хабардор қилинмаган ёки унга таътил бошлангунга қадар таътил вақти учун ҳақ тўланма-

ган ёхуд ходим таътилдан фойдаланишга тўсқинлик қилувчи сабабларни кўрсатган ҳолда ариза тақдим этмаган бўлса (МКнинг 145-моддаси).

Хатингизга қараганда, иш берувчи ушбу талабларни бузмаган.

Иш берувчи ходимга унинг розилигисиз, «мажбурий» тартибда, жадвалдан ташқари таътил беришга ҳақли эмас.

Сизнинг ҳолатда эса компания жадвалда белгиланган вақтда таътилдан фойдаланишга халал берувчи сабабларсиз ходимнинг илтимосини бажармаса, унга ҳеч нима таҳдид солмайди. Аксинча, ходим жадвал бўйича таътилга чиқишдан бош тортаётган бўлса, уни мажбуран ва унинг аризасисиз дам олишга жўнатиш мумкин.

Шу тариқа, бунга тўсқинлик қилувчи объект сабаблар бўлмаса, ходим жадвал бўйича таътилни бошқа муддатга кўчиришни талаб қилишга ҳақли эмас.

Битирувчи учун синов

Қизим 2017 йилда институтни тамомлади, бакалаврият даражасида базавий олий маълумотга эга.

Ўзига иш қидирмоқда. Институтни тугатгунча ишламаган. Кўпгина ташкилотларда ишга қабул қилиш чоғида синов муддати белгиланмоқда. Улар тўғри қилиптиларми?

И.Дакиева.

– Йўқ, нотўғри.

Айни пайтда МКнинг 84-моддаси 3-қисмига мувофиқ:

- ҳомиладор аёллар;
- 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёллар;

➢ корхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахслар;

➢ ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ҳамда олий ўқув

юртларининг тегишли таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан 3 йил ичида биринчи бор ишга қираётган битирувчилари;

➢ 6 ойгача муддатга меҳнат шартномаси тузилган ходимлар ишга қабул қилинганда синов белгиланмайди.

Амалдаги Меҳнат кодекси иш берувчиларга муайян асосларга кўра қонун ҳужжатлари талабларини бузиш ҳуқуқини бермайди. Синов муддатини асоссиз белгилаш ҳолати такрорланганда туман Бандликка кўмаклашиш марказидаги давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторига ёхуд туман прокуратурасига қизингизнинг меҳнатга доир ҳуқуқлари бузилаётганлиги тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишингиз лозим.

Бироқ иш қидириш муддати олий ўқув юртини тамомлаган кундан эътиборан 3 йилдан ошса, ушбу қоидалар амал қилмайди.

Дресс-код жорий этишнинг ҳуқуқий асослари



Компаниямизда дресс-код йўқ, бироқ мижозларга хизмат кўрсатувчи ходимлар одатда батартиб кийинадилар.

Ўзги пайтда эса ҳамма истаганча кийиниб келади: эгиларида шорти, футболка, калта юбка, шиппак ёки кроссовкани кўриш мумкин.

Директор кўриқчиларга бундай ходимларни офисга қўймаслик, бухгалтерияга эса прогуллари ҳақини тўламаслик ҳақида оғзаки кўрсатма берган.

Директор тўғри йўл тутаяптими?

П.Новикова.

– Йўқ, нотўғри, сабаби иш берувчида бунга асос йўқ.

Дресс-код нима ўзи? Бу кийим-бош шакли ва уни кийиш принциплари демас.

Сўз бирикмаси инглизча dress-code сўзидан олинган бўлиб, «кийиниш кодекси» маъносини англатади (dress – кийим, code – қоида, кодекс).

Шу тариқа, дресс-код қоидалари одатда компания корпоратив маданияти ҳисобланиб, унинг брендининг муҳим қисми сифатида белгиланади.

Иш берувчи ходимларнинг вакиллик органи фикрини ҳисобга олган ҳолда локал норматив ҳужжат қабул қилиши мумкин. У ёзги пайтдаги дресс-код тўғрисида низомни тасдиқлаши ва амалга киритилиши санасини кўрсатган ҳолда унинг тасдиқланганлиги тўғрисида буйруқ чиқариши лозим.

Шунингдек иш берувчи меҳнат муносабатлари жараёнидаги янги ахлоқ қоидалари ҳақида ҳар бир ходимни камидан 2 ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб

тилхат олиши шарт. Кўрсатилган муддатни қисқартиришга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади.

Фақат шундан кейингина тасдиқланган низом талабларини бажармаганлик учун ходимларга нисбатан интизомий таъсир чоралари қўлланилиши ёки ходим билан меҳнат шартномаси у янги меҳнат шартлари асосида ишлашни давом эттиришни рад этганлиги сабабли бекор қилиниши мумкин, бунда унга ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўша-тиш нафақаси тўланади (МКнинг 89, 178-моддалари).

Ходимларни локал норматив ҳужжатлар билан таништирмаслик меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳисобланади ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасига мувофиқ иш берувчи ЭКИХнинг 2 бараваридан 5 бараваригача миқдордаги жарима кўринишида маъмурий жавобгарликка тортилишига олиб келиши мумкин.

Таътил пулини тўлаш муддатига риоя этинг

Ходимга таътил пулини тўлашни кечиктирганлиги учун иш берувчи қандай жазоланиши мумкин?

Л.Нуриева.

– Йиллик таътиллари бериш навбати календарь йил бошлангунга қадар иш берувчи томонидан қасаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ белгиланади.

Таътил бериш вақти ҳақида ходим таътил бошланишидан камидан 15 кун олдин хабардор қилиниши керак (МКнинг 144-моддаси).

Агар ходим белгиланган муддатда таътилни бошланиш вақти тўғрисида ўз вақтида хабардор қилинмаган ёки унга таътил бошлангунга қадар таътил вақти учун ҳақ тўланмаган бўлса, таътил ходимнинг аризасига мувофиқ бошқа вақтга кўчирилади (МКнинг 145-моддаси 4-қисми).

Шу тариқа, иш берувчи таътил вақти учун ҳақни у бошланганидан кейин тўласа, давлат меҳнат

КАССА

ПУЛ ЙЎҚ

ҳуқуқ инспекторларида МЖТКнинг 49-моддасини қўллаш учун асос юзга келади. Унда назарда тутилишича, мансабдор шахс томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши ЭКИХнинг 2 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, ЭКИХнинг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ходим 2018 йил 4 январда 3 ойлик дастлабки синов билан ишга қабул қилинди. Ходим биринчи иш кунни тўлиқ ишлади. 2018 йил 5–31 январь кунлари узрли сабабларсиз ишга келмади.

Корхона раҳбари 2018 йил 1 февралда ишга чиқиш кунда прогул учун ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга қарор қилди.

Ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқни қайси сана билан қайд этиш керак?

И.Ростина.

Чўзилиб кетган прогул

— Меҳнат кодексининг 107-моддаси 2-қисмида белгиланишича, охириги иш кунни ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинган кун деб ҳисобланади. Ушбу норма меҳнат шартномасини бекор қилишнинг барча ҳоллари учун бир хил қўлланилади ва сизнинг ҳолатда прогул учун ходимни ишдан бўшатишда алоҳида талқин қилинмайди (МКнинг 106-моддаси 5-банди ва 152-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

Одатда, узоқ прогул қилинганда прогулнинг биринчи кунидан олдинги охириги иш кунни меҳнат шартномаси бекор қилинган кун ҳисобланади.

Шу тариқа, сизнинг ҳолатда ходимни ишдан бўшатиш санаси 2018 йил 4 январь бўлади, меҳнат шартномаси бекор қилиниши тўғрисидаги буйруқни чиқариш санаси этиб 2018 йил 1 феврални кўрсатиш лозим.

Вакансия борми — ҳаммасини таклиф этинг

Ходимга қисқартириш пайтида барча бўш лавозимлар таклиф қилинмаган бўлса, у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш мумкинми?

Д.Гребенёв.

— Йўқ, мумкин эмас.

МКнинг 92-моддасига мувофиқ, агар объектив сабабларга кўра (МКнинг 100-моддаси 2-қисми 1, 2 ва 6-бандлари ва 106-моддасининг 2-банди) меҳнат шартномасида белгилаб қўйилган меҳнат вазифаси доирасида ишни давом эттириш мумкин бўлмаса, иш берувчи ходимга мутахассислиги ва малакасига мувофиқ келадиган ишни, бундай иш бўлмаган тақдирда эса, корхонада мавжуд бўлган бошқа ишни таклиф этиши шарт.

Шу тариқа, иш берувчи корхонада мавжуд бўлган, кўрсатилган талабларга жавоб берувчи барча бўш иш ўринларини ходимга таклиф этишга мажбур.

Ходим бошқа ишга ўтишдан бош тортган ёки корхонада мувофиқ келадиган иш бўлмаган тақдирда эса, меҳнат шартномаси умумий асосларда бекор қилиниши мумкин.

Ходим ишдан бўшаб, яна қайтган бўлса

Ташкилотимиз ходими ўз хоҳишига кўра ишдан бўшади. Меҳнат шартномаси бекор қилинаётганда ишдан бўшаш кунда у билан ҳисоб-китоб қилинди ва фойдаланилмаган таътил учун компенсация тўланди.

Кейинги иш кунни мазкур шахс ташкилотимизга бошқа лавозимга ишга қабул қилинди.

Иш берувчининг хатти-ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик мавжудми?

С.Олимов.

— Йўқ, мавжуд эмас.

Ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам, 2 ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақлидир (МКнинг 99-моддаси).

Огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг ходим ишни тўхтатишга ҳақли, иш берувчи эса, ходимга меҳнат дафтарчасини бериши, фой-

даланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллار учун пуллик компенсация тўлаши ва у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт (МКнинг 110-моддаси, 151-моддаси 1-қисми).

Одатда, охириги иш кунни меҳнат шартномаси бекор қилинган кун деб ҳисобланади (МКнинг 107-моддаси).

Келаси кун мазкур ходим худди шу ташкилотга ишга қабул қилингани аҳамиятга эга эмас, сабаби МКнинг 110-мод-

даси талабларига мувофиқ меҳнат шартномаси бекор қилинган кунда ходимга тегишли иш ҳақини тўлаш (унинг миқдори хусусида низо бўлмаса) мажбуриятини иш берувчидан соқит қилмайди.

Шу тариқа, иш берувчининг ушбу хатти-ҳаракатлари юзасидан муайян чекловлар мавжуд эмаслиги муносабати билан мазкур вазият меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид келмайди.

Пенсия ёши — ишдан бўшатиш учун важ эмас

Айрим ходимларимиз яқинда пенсия ёшига тўладилар (эркаклар — 60 ёшга, аёллар — 55 ёшга).

Пенсия ёшига тўлганлари муносабати билан уларни ишдан бўшатишга мажбурмизми?

О.Пенин.

— Йўқ, мажбур эмассиз.

Бироқ иш берувчида 2011 йил 1 январдан бошлаб ходимда ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи (эркаклар — 60 ёшда, аёллар — 55 ёшда) ва стаж (эркаклар учун — камида 25 йил, аёллар учун — камида 20 йил) мавжуд бўлганда пенсия ёшига тўлган ҳолларда номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини, шунингдек муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ўз ташаббусига кўра бекор қилиш ҳуқуқи юзага келди (МКнинг 100-моддаси 2-қисми 7-банди).

Шу тариқа, иш берувчи ушбу ҳуқудан фойдаланиши мумкин. Меҳнат шартномаси МКнинг 100-моддаси 2-қисми 7-банди асосида бекор қилинганда бундай ходимларга куйидаги тўловлар тўланиши лозим:

1) меҳнат шартномаси бекор қилинган кунда унга тегишли иш ҳақи (МКнинг 110-моддаси);

2) фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллار учун пуллик компенсация (МКнинг 151-моддаси);

3) ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдордаги ишдан бўшатиш нафақаси (МКнинг 109-моддаси);

4) огоҳлантириш муддати (рад этилган тақдирда) ўрнига унинг муддатига мувофиқ келадиган пуллик компенсация (МКнинг 102-моддаси 2-қисми).

Иш берувчи ходимлар вакиллик органининг МКнинг 100-моддаси 2-қисми 7-банди бўйича ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан бошлаб 1 ойдан кечиктирмай, агар бу жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида назарда тутилган бўлса, меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир (МКнинг 101-моддаси).

Ходим пенсияга чиқиши муно-

сабати билан ўз хоҳишига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш мумкин (бирок мажбур эмас) (МКнинг 99-моддаси). Бу ҳолда унга куйидагилар тўланади:

1) меҳнат шартномаси бекор қилинган кунда унга тегишли иш ҳақи (МКнинг 110-моддаси);

2) фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллار учун пуллик компенсация (МКнинг 151-моддаси).

Абдусалом Рисқуллаев, «Norma» МЧЖ бош эксперти.

Истиқосий — ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБЕКОВ

Нашр учун масъул —
бош муҳаррир
Ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Сайдмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш. Миробод тумани,
Таллимаржон кўча, 1/1,
Тахририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича 200-00-30;

«Norma» АҚТ бўйича — 200-00-90;
Рекламини жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.

Газета нашри — «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи — 186, Кўҳоз бичими — А3, Ҳажми — 2 босма таъб, Басма таъбига нисбатан нарди.
Буюртма 99, Адади 965. Газета 2018 йил 19 февраль соат 15.30 да топширилди.